

УСТОЗ ХУҚУҚШУНОС

МУАЗЗАМ ЙЎЛ

МАМЛАКАТИМИЗ қонунчилигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлашдек шарафли ва масъулиятли ишда ўзининг бор билим ва тажрибаси билан хурмат қозонганд танисли хуқуқшунос, Узбекистонда хизмат кўрсатган юрист Ҳалима Мухиддинова 85 ёшни қарши олди.

Иш фаолиятини прокуратура идораларида секретарликдан бошлаган Ҳалима она Олий суд раислигига бўлган лавозимларда самарали меҳнат қилган. Жумладан, 1949-1952 йилларда Адリア вазири ўринбосари, 1952-1960 йилларда Республика прокуратура идораларида, 1960-1972 йилларда Олий суд раиси ўринбосари, 1972-1982 йиллар Олий суд раиси, 1982-1990 йиллар давомида Тошкент юридик техникиуми (хозирги юридик коллеж) директори лавозимларида ишлаб келган.

10 февраль куни Тошкент юридик коллежида Ҳалима опанинг 85 ёшига багишланган юбилей кечаси бўлди ўтди. Кечани коллеж директори М. Саторрова кириш сўзи билан очиб, Ҳ. Мухиддинованинг хуқуқшунослик соҳасига ўшган улкан хиссаси бугунги кунда ҳуқук-шунос кадрларни тайёрлашда канчалик

кул келаётгани ҳақида гапириб ўтди. Шунингдек, кечада сўзга чиқсан Олий суд раиси У. Мингбоеев, Республика Баш прокурорининг 1- ўринбосари А. Эргашев, Адリア вазири-прининг 1- ўринбосари Р. Рахимов ва бошқалар эл-юрттинчилиги ва осойишталигини таъминлаш, Ватанимизга етук хуқуқшунос кадрларни тайёрлашда Ҳ. Мухиддиновадек инсонларнинг салоҳияти, билими ва яйнича тажрибаси зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Суратда: Олий суд раиси У. Мингбоеев, Ҳ. Мухиддинованинг кутлуг ёши билан кутламоқда.



А. ТУРАЕВ фотолари.

ТАДБИР

ЛОЙХА МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар прокуратурадида янги таҳрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ти қонун лойихасига бағишлиланган мажлис бўлиб ўтди. Мажлис шаҳар прокурорининг ўринбосари О. Холматов раислик қилди ва қонуннинг янги таҳрирda ишлаб чиқилиши зарурати, эски таҳрирдаги қонундан фарқли жihatлari тўғрисидан маъруза килди.

Шундан сўнг қонун лойихаси юзасидан мухокама бўлиб ўтди. Мухокамада С. Рахимов туман прокурори Б. Пўлатов, Чилонзор туман прокурори З. Ибрагимов ва бошқалар сўзга чиқиб, қонун лойихаси тўғрисидаги ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Инглишида ўртага ташланган таклифлар жамланиб, Олий маълисга тақдим этилишига келишиб олindi.

ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Маълумки, бу йил ҳалқимиз мустақиллижимизнинг 10 йилларини ишончлайди. 10 йил. Тарих учун кўз очиб юмгунчалик вакт аслида. Аммо шу ўтган йиллар мобайнида Республикасида асрларга татиғулар ишлар амалга оширилди.

Баъзилар мустақилликка осонгина зришганимизни айтиб, буна мустабид тузумнинг парчаланишини сабаб қилиб курсатишади. Балки улар мәълум маънода ҳақирилар. Бирор мен бу фикрга сиралам қўшилпомайман.

Айнан мустақиллик туфайли биз ёшлар собиқ "изм"ларнинг нечоғлини соҳта эканлигини, тарихимизнинг шудврагча бузум курсатилганлигини англаб етиж. Бугун Ҳизбетонистон ҳақиқий тарикини ўрганар эканмиз, ҳалқимиз эрк, озодлик, миллий истиқлол учун неча асрлардан бўён курашиб келганинг гувоҳи бўламиш. Бунинг учун узоқка бормай, якин ўтмилимиздаги қатогон курбонлари буюк аҳждодларимиз Чўлтон, Фитрат, Абдулла, Кодирийларни эсланинг ўзи кифоря...

... Бу курашиб ҳали ҳам ниҳоясига етгани йўй. Мустақиллижимизни кўрламётган, осойишталимизга раҳна солмоқчи бўлганлар ҳамон ўзара ниятлари билан атрофимизда кеъзиг юришидид. 1999 йилдаги 16 февраль воқеалари, Сурхондарё вилоятининг Узун ҳамда Саройиёт туманларида содир этилган босқинлилар ҳаракатлари ана шу ачник ҳақиқатни англаб, ҳар қадамда огох бўлишимизга турти бўйди.

Юртимиздаги бугунги тинчлик, барқарорлик не-не жон-

лар, конлар эзвазига сақлаб турлиларининг тирик гувоҳиман. 2000 йилнинг ёз ойларда Андикон вилоятининг Избоскан туманида бир гурӯҳ террориҷ шахслар билан бўлган куролли тўқнашувларда дадам Баҳодир Хошимов ҳалок буди. Ухиши вилоят иИББнинг жамоат тартибини саклашни бўламиш бошлиги, ички хизмат полковниги зидлар.

Тирикликларида дадам бизларга адолат, ҳақиқат ва виждан ҳақида жуда кўп гапирадилар. У киши доим бизларга ёлғон гапирамасликни утириадилар. Ҳамиса тўғри сўз, вижданони бўлиб ўйнишишини истар зидлар. Оқибат ўз умрлари билан сўнгиги сабоқни, адолат учун керак бўлса курбон бўлишини ҳам курсатио кетдилар, назариди.

Мен дадам билан фарҳанаман. Ўз байдида ана шу фарҳ тўйуси зиммамга улкан масъулият ҳам юқлайди. Мен бу масъулиятни дадам ўргатган адолат ва ҳақиқат широр билан оллашга, мустакил дійримизнинг янада гуллаб яшашига ўз хиссамни кушиш орхали бажаришга умримнинг охирига ҳаракат қулашам.

Бахтиёр Ҳошимов,
ТДЮИ 3-хукуқ факультети 1-курс талабаси

Ҳафтанинг мухим воқеалари

5 февраль
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола давлат дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

7 февраль
Оқсаройда юртбошимиз Ислом Каримов Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Решит Уман, Нидерландия Кироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тидо Хоғсти, Словакия Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Игор Фурдик ҳамда Янги Зеландиянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жеф Вордлардан ишонч ёрликлари кабул қилиб, уларнинг дипломатик фаолиятларига муваффакиятлар тилали.

8 февраль
Оқсарой қаророҳида Президент Ислом Каримов Испания Кироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Луис Кресло де Вега, Кипр Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Хираламес Иоаннисис, Финляндиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Эгил Эгилсон жанобарида ишонч ёрликларини қабул қилиб, уларнинг дипломатик фаолиятларига муваффакиятлар тилали.

9 февраль
Сўз мулканинг султони, буюк шоир ва мутафаккир, улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги пойтактишимиздаги Ўзбекистон миллий боғида ва бутун мамлакатимизда кенг нишонланди.

Можијат

Ҳеч нимани
қонунни
билганимиз-
дек ёмон
билмаймиз.

О. Бальзак



ГЕРОИН ХАВФИ

XX асрнинг муддиши мероси бўлган гиёҳ-вандликнинг янги ўзиллиқда ҳам дунё кўксидаги оғир жароҳат бўлиб қолиш хавфи бор. Бу хатардан кутулиш учун жаҳон ҳамхамияти барча имкониятларни ишга солган ҳолда унга карши курашиб олбай бормоқда. Бирок гиёҳвандлик инсоннинг ҳаётига тумандай ётирилиб кирмоқда, наркоманлар сони ортиб бормоқда. Бу эса соглем кучларни янада ҳушёр бўлишига ўндайди. Ҳўш, нима килиш керак? Ундан кутулишининг қандай йўллари бор? Гиёҳвандликка карши курашиб талаб даражасидами? Мухбиризининг Хоразм вилоятининг прокурори, адия катта маслаҳатчиси Диљод ИСРОИЛОВ билан шу хусусда килган сұхбати билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз.

Кейинги сонда

Фарғона водийсида
фаолият кўрсатган
жиноий гурӯҳ
фаолиятига бағиши-
ланган суд очерки
билин танишасиз.

КОНУН ЛОЙИХАСИ УМУМХАЛҚ МУХОКАМАСИДА

ЯНАДА МУКАММАЛ БҮЛАДИ

"Прокуратура тұғрисида"ғи қонун лойихасининг умумхалқ мухокамаси кизғын давом этмоқда. У үзининг мазмуны ва мөхияти билан амалда бўлган "Прокуратура тұғрисида"ғи конунга нисбатан анча такомиллаштирилган.

Собик Иттифоқ давридаги конунда прокуратура органлари асосан давлат мулкими химояни килиши, хусусий мулкчилик қарши курашни, марказдан берилган бўйруқбозлиқ сиёсиз бажарига хизмат килиб келган бўлса, мустакилликка эришган Республикализмий прокуратура органларининг фоалиятни эндилишда мамлакатимизнинг конституциявий тизимини, давлат ва жамиятининг фуқаролар ҳамда мулқорларининг қонунг ўхуқини химояни килиши қаратилган.

Янги таҳирдаги "Прокуратура тұғрисида"ғи қонун лойихаси умумхалқ мухокамасидан сўнг янада мукаммаллашади, деб ўйлайман. Мен лойиханинг "Назорат предмети" деб номланган 19-моддаси "Кимга тобегидан ва бўйсуншидан катъий назар" деган сўзлар билан бошланса, мақсадга мувоғиқ бўлур эди, деган таклифи билдиримоқчиман. Чунки мамлакатимиз худудида фаолият курсатеётган барча корхоналар, Мудофаа

вазирилиги тизимидаги ҳарбий қисмлар, ҳаво ва темир йўл транспортiga қарашли ташкилотлар, кўшма корхоналар, ҳорижий инвесторлар ва барча ҳужалик юритувчи субъектлар факат Конституция ва амалдаги конунларга бўйсунган ҳолда иш юритишлари белгилади кўйилган. Шу сабабли, 19-модда юкоридаги сўзлар билан бошланса, прокуратура органларининг назорат предмети тўлиқ ифода этилган бўларди.

Лойиханинг "Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг ҳисобдорлиги" деб номланган 14-моддасига "...Шунингдек, прокуратура органлари амалга оширган ишлаб тұғрисида ҳар олти ойда ахборот тақдим этиди" деган жумлани "ҳар ҳар ойда" деб ўзгартиртила, мақсадга мувоғиқ, бўллади. Чунки мамлакатда амалга оширилаётган иқтиёсий, сиёсий, маънавий ва маданий ислоҳотлар ҳақидаги Даастурларнинг ижроси ҳақида Республика Президенти кошидаги иқтиёсий кенгаш томонидан йил-

нинг ҳар чорагида сархисоб қилиниши одат тусига айланб қолган. Бу ўзигиллаша қонунлар ижросининг ахволига ҳам мунтазам рашида бахо берилди келинмоқда. Прокуратуранинг бу борадаги ахбороти сўзсиз қонун устуворлиги амалда таъминланшининг ахволи ва самарадорлигига ҳар чоракда бахо берил борилар эди.

"Ўзбекистон Республикаси Баш прокурорининг ваколатлари" деб номланган 13-моддасининг 11-хат бошида "Прокуратура органлари ходимларини "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси фахрий ҳодими" "кўкрак нишон билан тақдирлайди" деган сўзлардан кейин "бу ҳақда маҳсус гувоҳнома топшариди" деб кўшиб кўйилса, мақсадга мувоғиқ, бўлур эди.

Умуман олганда, мамлакатимизда ершиштган истиклонлинг 10 йиллиги арафасида "Прокуратура тұғрисида"ғи янги таҳирдаги конуннинг қабул килиниши мустакил давлатимизнинг қонун устуворлиги ҳақидаги тамоййизларини амалдаги ифодаси бўлди деган умиддамиз.

Вали КОСИМОВ,
Республикада хизмат кўрсатган
юрист, Ўзбекистон Республикаси
прокуратурасининг фахрий ҳодими

Янги таҳирдаги "Прокуратура тұғрисида"ғи Ўзбекистон Республикаси конуни илгаригисига қараганда анча ихчам, аниқ ва киска тарзда ишлаб чикилган. Лекин қонун лойихасининг айрим модаларига қўйидаги ўзгартишилар киритилиши мақсадга мувоғифик, деб ўйлайман.

БАЪЗИ ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛАСА...



Кадам ИНОЯТОВ,
Ташкент тумани
прокурори

Амалда бўлган қонуннинг 33-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори, Қорақалпогистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳарбий ва транспорт, шунингдек шаҳарлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар, фуқароларни қамоқча олишга рұксат бериш ҳуқуқига ғагдирлар", деб алоҳида баён этилган. Лойиханинг 23-моддасида "прокурорлар суриштирув органларига фуқароларни ушлаш, мажбурий кептириш, қамоқча олиш, кидириш, тунтуб ўтказиш, олиб кўйиш ва бошқа теров ҳаракатларини бажарши тұғрисидаги қорларни ижро этиш" деб алоҳида баён этилган. Гарчанд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 243-моддасида фуқароларни қамоқча олиш учун Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори, Қорақалпогистон Республикаси Баш прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларни ушлаш, мажбурий кептириш, қамоқча олиш, кидириш, тунтуб ўтказиш, олиб кўйиш ва бошқа теров ҳаракатларини бажарши тұғрисидаги қорларни ижро этиш" деб алоҳида баён этилган.

Амалдаги Конуннинг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори Олий Мажлисида қонун лойихасида ҳам мазкур масала аниқ кўрсатилиши мақсадга мувоғиқ, бўлуди.



Абдуғани НАБИЕВ,
Кибрай тумани прокурори

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
БОШ МЕЗОНИ

Ҳуқуқий демократик давлат барпо килиш, жамиятда қонун устуворлигини тәмимлаш ҳамда ҳалқнинг ҳуқуқий саҳовдононлигин ўстириш амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг бош мезонидир. Албатта, бунда биринчи навбатда қабул қилинаптаган қонунларимизнинг мухаммал бўлишига эътибор каратмоғимиз лозим.

Қонун лойихаси анча такомиллаштирилган ва Конституция ҳамда ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларга тўла мос келади. Аммо лойиханинг 1-бўлим 34-моддасида "Тақдимнома коллегияни орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис натижаси прокурорга мәълум қилинади ва мажлиса иштирок этишига ҳақлидир", деган коидасидаги "иштирок этишига ҳақлидир", сўзларини "иштирок этиши шарф" деб ўзгартиртиши максадга мувоғифид. Чунки бундай учрашувларда прокурорнинг шахсан ўзи иштирок этиши, биринчидан, мухокамада корхона, ташкилот ёки мусассаса мансабдор шахсларининг тўлиқ қатнашишини кафолатлайди. Иккинчидан, уларнинг ўз масъсиятларини чукур ҳис килиши ва камчиликларни бартарап килинча шахсан ўзи жавобгар бўлишиларни таъминлайди.

5-бўлимнинг 40-моддасида прокуратура органлари ходимларининг маддий ва ижтимоий таъминоти ҳақида сўз борган. Ушбу маддадарга ҳўянишларни таъминланышларида прокуратура органлари биринчидан, мухокамада корхона, ташкилот ёки мусассаса мансабдор шахсларининг тўлиқ қатнашишини кафолатлайди. Иккинчидан, уларнинг ўз масъсиятларини чукур ҳис килиши ва камчиликларни бартарап килинча шахсан ўзи жавобгар бўлишиларни таъминлайди.

Прокуратура ходимларининг хизмат сафарлари пайтида маҳаллий ва республика йўналишларида (таксидан ташкири) белут юриш ҳуқуқи, поезд ва самолётларда жойларни бронлаштириш ҳамда меҳмонхоналарда жойларни бронлаштириш ҳуқуқлари борасиди да ҳам эски таҳирдаги қонун лойихасига қайтиш зарур, деб хисоблайман.

Оид МАТХОЛИКОВ,
Сирғали тумани прокурори,
аддия катта маслаҳатчи

ҚОНУН МУКАММАЛ
БЎЛИШИ КЕРАК

Янги таҳирдаги "Прокуратура тұғрисида"ғи Конун лойихаси амалдаги қонунга нисбатан анча мукаммал тарзда ишлаб чикилган. Аммо ҳуқуқий соҳадаги кўп йилини таҳрибадан келиб чиқсан ҳолда, янги Конун лойихасига қўйидаги қўшимчалар киритилиши лозим, деб ўйлайман.

Қонун лойихасининг 43-моддасига "прокуратура ходимларига нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари каби маъмурлиқ ҳуқуқбўзарлик чоралари кўллашга доир масала ҳам юкори погонадаги прокурор томонидан ҳал этилиши" деган қўшимчада билан тўлдирилиши лозим.

40-моддасига прокуратура органлари ходимларининг даҳсизлигини янада мустаҳкамлаш, жумладан, шахсий транспорт ва шахсий бўюмларни ҳамда яшаш жойларини кўздан кечириш масаласи юкори турувчи прокурор томонидан ҳал этилиши мумкинлиги ҳақидаги қўшимчада кўшилшиши керак.

Прокуратура органлари ходимларининг маддий ва ижтимоий таъминоти тұғрисидаги 41-моддадан "прокуратура органлари ходимларини имтиёзлар берилши ҳамда уларни маддий жиҳатдан разғабтлантиришини янада қўйтириши" масаласини кўриб чиқиш лозимлиги ҳақидаги қўшимчада билан кенгайтириш мақсадга мувоғифид.

АЙРИМ ҲУҚУҚЛАР
ИФОДАЛАНМАГАН

бўшисини айнан эски таҳирдаги конунда ёзилганидек қолдириши лозим. Янни, айнан мансабдор шахслар ва фуқароларни чакириш, улардан қонун бузилишига тааллиғи оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб килиш зарурди.

Шунинг билан бирга лойихада прокурорларнинг ҳуқуқлари, интизомий ши кўзгаш, маъмурлиқ жазо берилши тұғрисида иш кўзгаш, амрона, тақдимнома киритиш, конунлар бузилгани ёки уларнинг Асосий қонунга номуноғиқлиги юзасидан Конституциявий ва Хўжалик судларига мурожаат қўилиш ҳуқуқлари акс этирилди.

Лойиханинг 2-бўл 23-моддасида хиноятичика қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилишинан устидан назоратлини тақдирлайди. Сабаби, кодексда прокурор санкция беради", деб кўрсатилган. Назаримда, ушбу хатбоши аксикин топмаган. Эски таҳирдаги лойихада шу нарса бер эди. Ушбу 23-моддадан 11-бандида прокурор "қонунда назарда тутилган ҳолларда, теров ҳаракатларини олиб борилишида санкция беради", деб кўрсатилган.

Лойиханинг 2-бўл 23-моддасида хиноятичика қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилишинан устидан назоратлини тақдирлайди. Сабаби, кодексда прокурор санкция беради", деб кўрсатилган. Назаримда, ушбу хатбоши аксикин топмаган. Эски таҳирдаги лойихада шу нарса бер эди. Ушбу 23-моддадан 11-бандида прокурор "қонунда назарда тутилган ҳолларда, теров ҳаракатларини олиб борилишида санкция беради", деб кўрсатилган.

Лойиханинг 2-бўл 23-моддасида хиноятичика қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилишинан устидан назоратлини тақдирлайди. Сабаби, кодексда прокурор санкция беради", деб кўрсатилган.

қарорларини тўхтатиб туриш ҳуқуки акс этирилмаган, прокурорларнинг Олий суд ва Олий ҳўжалик суди пленумлари, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди раёсларни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раёсларни мажлисларниширо иштирок этишилар тўғрисида бирор сўз ҳам айтилмаган.

Бу борада эски таҳирдаги "Прокуратура тұғрисида"ғи Конуннинг 3-бобига мурожаат этиши керак, деб хисоблайман.

"Шундай турғилганларни, қамоқча олингандарни саклаш жойлариди, жинонай жазолар ва бошқа жинонай ҳуқуқий таъсир чораларини ишро этишинан қонунларга риоя килиниши устидан назорат" номли 3-бобингин 25-моддасида "Назорат предмети" деб атади. Ушбу маддадан 1-хатобисига "ушлаб туриш ва саклашнинг қонунийлиги" сўзларини кўшимча килиш ва ҳатбошини мана шу сўзлар билан бошлаш, давоми заса матн бўйича бўлиши лозим. Чунки, ушбу масала нима учундир мазкур бобда ҳам "Жинонайликчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларни ишро этишинан қонунийлиги" деган коидасидаги "иштирок этиши шарф" деб ўзгартиртиши максадга мувоғифид.

Чунки бундай учрашувларда прокурорнинг шахсан ўзи иштирок этиши, биринчидан, мухокамада корхона, ташкилот ёки мусассаса мансабдор шахсларининг тўлиқ қатнашишини кафолатлайди. Иккинчидан, уларнинг ўз масъсиятларини чукур ҳис килиши ва камчиликларни бартарап килинча шахсан ўзи жавобгар бўлишиларни таъминлайди.

Прокуратура ходимларининг хизмат сафарлари пайтида маҳаллий ва республика йўналишларида (таксидан ташкири) белут юриш ҳуқуқи, поезд ва самолётларда жойларни бронлаштириш ҳамда меҳмонхоналарда жойларни бронлаштириш ҳуқуқлари борасиди да ҳам эски таҳирдаги қонун лойихасига қайтиш зарур, деб хисоблайман.

ИБРАТ МАКТАБИ

ИНСОН БИЛАН МУКАРРАМ ВАЗИФА



- Мен балзи журналистла-
рингиздан хафаман, — деб очи-
часига кўчиб кўяқолди сұхбати-
мизнинг индаллосидаёк. Жиян-
бой Бекембетович.

Қоракалпокча ҳазил бўлса ке-
рак, деб ўйладим аввалига. Ва
“ана шу “хафагарчиллик”ни ўтрап-
дан кўтариб ташлаш учун ўзим
хузурингизга келиб кўя қолдим”,
деб сұхбат ипини чувалатдим.

Журналист йўллари билан Хоз-
разм воҳасини, Қоракалпогис-
тонни анча-мунча айланғанман.
Бу ернинг ҳаёт қозонида обдон
кайнаган ўта ёшининг нари-бе-
рисидаги қишилари ҳар қандай
зардап гапни ҳазилга, енгил
мутойибага ўраб айтишга мой-
ил бўлишади. Маълум бўлиши-
ча, Жиянбой аканинг “Қонун
химоясида” журналидан “хафа
бўлишига” етарилича асоси ҳам
бор экан. Нашримизнинг 1999
йилги сонларидан бирида эълон
килинган “Саҳрораги қароқчи”
очеркida Қоракалпогистон Респу-
бликаси прокурорининг 1-
ўринбосари Жиянбой Норимбе-
тов бошлиқ тезкор гурӯҳ Устюрт
чўлида андиконлик КамАЗ ҳайд-
ловчисини ўтириб кетган иккى
куролланган жинончичини қандай
қилиб кўлга олгани ҳакида хикоя
килинган эди. Қароқчилар би-
лан олишув операцияси айнан
Жиянбой Норимбетовининг жа-
сароти туфайли мудафакият-
ли якунланади.

Жиянбой Норимбетовнинг
муносабатларидаги қандайдир сўз
билан таърифлаб бўлмайдиган
иликлик, қишини ўзига торта-
диган самимигат бор эди. Унинг
таржима ҳолини вараклаб, бу-
нинг сабабини англагандек
булдим: нафакат тенг дошли-
гимиз, балки ҳаёт йўлларимиз-
нинг ҳам ўшшаб кетадиган жи-
ҳатлари бор эди.

Гўдаклигигаёк, отдан етим
қолган Жиянбой ўта мактабни
тутгатганидан кейин 4 йил кол-
хозда ҳайдовчилик қиласди. Ар-

мия хизматини туга-
тиб, Тошдўнинг —
ҳозирги Ўзбекистон
Миллий Университе-
тининг хукукшунос-
лик факультетига
ўшигакиради. Айни
пайтда ташкилот-
лардан бирида лифтёр бўлиб иш-
лайди. Чунки онаси-
гава укаларига қара-
шиб ҳам туриши ке-
рак эди.

Ҳаёттый тажриба
уни хузурига кирав-
чиларнинг дард-хас-
ратларини сабр-то-
қат билан тинглашга
ўргатган эди. Бу Бо-
ғотда ҳам фоят уста-
корлик билан килин-
ган қотиллик жиноя-
тини қисқа муддатда очища-
до прокурорга яна бир кўл кел-
ди.

- Вақт алламаҳал бўлиб қол-
ган эди, — деб ҳикоясини бош-
лади Жиянбой Бекембетович. —
Бир фуқаро ўзини “Йўлдош Ма-
тёкубов” деб танишириб, уч-
кундан бери синглисими топол-
майтганини, Богот туман ички
ишлар бўлимига муроҳат қила-
са, — Ҳазораспа, у ёқдагилар
эса Боготга бор, деб уни сарсон
қилишаётганини изтироб билан
гапиди.

Маълум бўлишича, унинг син-
глиси Салима Матёкубова —
Олий маълумотли агроном, тур-
мушга чиқмаган; тижорат билан
шугулланган. Тижорат сафаридан
кайтиб келганидан кейин, савдо-сотик
ишларидаги шериги Рашид
Кутлимуродов билан тўплана-
ган ишончли далиллари қарши-
сида оқиз қолиб, қотиллик киль-
ганини тан олади ва Салима
Матёкубованинг жасадини ўзи
кўмид ташлаган дарё бўйидан —
Ҳазораспа туманидаги “Обод”
жамоа ҳўжалиги худудига туташ-
румондан топиг беради.

Рашид Кутлимуродов яккаш,
мен Салимани шу куни Ҳазо-
распа бозорида қолдириб, синг-
лим билан кўк “Тико” машинаси-
да уйимга бордим, деган гапни
тақрорлайверади.

Хозирча ягона бўлган гуво-
ҳнинг тили ечилмаса, тутун ечил-
мас эди. Лекин уни 72 соатдан
ортиқ ушлаб туриб ҳам бўлмас
эди.

Прокурор киракашлик қилиб
юрган ўша ҳайдовчини Ҳазо-
распдан топтириб, келтириди.

У ҳам, Ҳалима ҳам Р.Кутлиму-

родовнинг кўргазмасини тас-
диклайдилар. Ички бир түғуғ
прокурорга бошқа хulosани таъ-
кидлаб турар эди. Шунинг учун
у суриштируви давом эттира-
ди.

Одатда жума куни Ҳазорасп
бозорида кўп одам бўлмайди.
Салима бозорда машинадан
тушиб қолган ва Рашид сингли-
си билан уйига кетган бўлса,
упарни кўрган-бинглангар чиқар,
деган ўйда прокурор боғотлик
тижоратчи аёлларни Ҳазорасп
бозорига жўнатади. Шундай
гувоҳ топилади. У 17 ёшли Со-
хиба деган киз эди.

- Ҳалима опа (Рашид Кутли-
муродовнинг синглиси) мендан
ўн минг сўм қарздор эди, — дей-
ди у. — Пулимни олиш учун ўша
куни унинг уйига излаб борсам,
ўзи мендан кейин қизил “Моск-
вич”да келиб қолди. Унинг ёндида
бир танишим ҳам бор эди.

Зудлик билан Соҳибанинг
ўша таниши, “Москвич”нинг ҳайд-
ловчиси ва Ҳалима прокурату-
рага тақлиф қилинади. Ишончли
далиллар қаршисида энди
Ҳалима акаси билан қизил “Ти-
ко”да келмаганини тан олади.
Бу “қалит” қотиллик жиноятыни
Рашид Кутлимуровдинг
бўйнига қўшишга асос бўлади. У
прокурорнинг уч кечакундуз ух-
ламасдан зудлик билан тўплана-
ган ишончли далиллари қарши-
сида оқиз қолиб, қотиллик киль-
ганини тан олади ва Салима
Матёкубованинг жасадини ўзи
кўмид ташлаган дарё бўйидан —
Ҳазораспа туманидаги “Обод”
жамоа ҳўжалиги худудига туташ-
румондан топиг беради.

Рашид Кутлимуровов тижо-
ратдаги шериги Салима Матёк-
убованинг ёндиаги пулни олиш
учун қотиллик жиноятига кўл
уради ва қилишига яраша
жазога тортилди. Прокурор манти-
қи, илмига асосланиб, қотилни
фош эти, жазо мұқаррарлиги
ни таъминлайди ва ўз бурчини
бажарди. Биз эса бу мавзуни
қаламга олиш билан Жиянбой
Норимбетов фаолиятидаги ик-
кита кичик мисол орқали инсон
мансаб, вазифа билан эмас,
балки ҳар қандай амал, вазифа
инсон билан мукаррам, деган
хикматни эслаб қўймоқчидик,
холос. Қаранг, ҳатто прокурор-
ликдек масъул вазифа ҳам бун-
дан мустасно эмас экан.

А.АБДУРАЗЗОКОВ,
“Хукук” мухбири

P.S.

Мұхтарам Жиянбой Бекембетович!

Әдлик ёшингиз қутлуғ бўлсан. Қонун ҳимояси йўлидаги
фаолиятингизда адолат ҳамиша байроғингиз бўлиб
қолишини тилаймиз.

АНЖУМАН

ТАДБИРКОРЛАР МИННАТДОР

Кичин ва ўта бизнес субъектлари ҳамда деҳон, фермер ҳўжаликлари
фаолиятни ривожлантириш, уларга амалдаги қонунларни тушунириш ва
уларнинг хукукларини ҳимоя қилиш мақсадида Ҳоразм вилоят прокуратуроси
семинар йигилиши ташкил килди.

Йигилишида тадбиркорларни кизитирган саволларга вилоят давлат
сошикчараси, статистика, кишлоқ, ва сув ҳўжалиги бошқармаси
бошилларни ва бошқа масъул раҳбарлар жавоб бердилар.

Иштирокчиларни таъкидлашиш, бу семинар уларга фаолиятида катта
ахамият касб этиди, негаки улар шу семинар орқали қанча вақтлардан
бўён ҳал қилинадан келаётган муммомлар очимини топшириш муввафқ
бўлдилар. Ҳулоса килиб айтиш мумкини, бундай семинарларни тез-тез
ўтказиб туриш фойдадан холи бўлмайди.

Дарвоже, иштирокчиларга вилоят прокуратуроси томонидан тайёрлан-
ган “Кичик ва ўта бизнес субъектлари ҳамда деҳон, фермер ҳўжаликли-
ри томонидан тўланадиган солиқлар, берилган имтиёзлар, уларга кредит-
лар ажратиб тартиби, статистик ва бошқа ҳисоботларни топшириш
тариби ҳамда уларнинг хукук махбuriyatlari тўғрисида “қўлламна” нинг
чиқарилиши ва тарқатилиши уларни янада хурсанд килди.

(Ўз мухбirimiz)

ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

ҚОНУН ОЛДИДА МАСЪУЛЛИК

**Мирзаобод тумани прокурори
Турғун САГАТОВ билан сұхбат**

— Ҳабарингиз бор, якнада Президентимиз ҳузурида ёшлар муммомларига,
тарбиясига бағисланган йигилиши бўлиб ўтди. Йигилишида ёшларнинг хукукий
тарбиясига ҳам тўхтаби ўтиди...

— Аввало, шуну таъкидла зосимки, бу масала анчадан бери ўз ечиними кутаётган
эди. Маммакатимиз раҳбарият ёшларни жамиятни ўнгличи қутифатида, келажак
егалари сифатига қараштаган экан, бундай сайд-ҳаракатни факат кўллаб-куватлаш
лозим. Шу жумладан уларнинг хукукий тарбияси ҳам улкан ёзтиборни талаб қиласди.
Ёшларнинг хукукий оғигни шакллантириш ўт мурakkab жараён. Бунга жуда кўп
факторлар тасир этади. Айтмоқчиман, ёшларни юксак хукукий маданийтига автол
сифатида ўзага чиқариш бош максад экан, энг аввало уларнинг атрофида соғим
хукукий муттуб вуҳудга келтириш лозим. Биз катталар қонунларга содилкимизини,
қонунларга хурматимизни ўшларга ўнрак бўлиб кўрсата олишимиз керади. Бир бар ўш
адолат таймойли тўлиқ юзага чиқишига ишонч билан ҳаракат қола олсин. Лекин
бундай туйигуз-ўзидан вуҳудга келавермайди. “Камолот” жамгарасининг жойларда
бўлимлари эса “Сиз қонунни биласимиз” деб номнаган орасидан ўса ўтишадан
нарига ўтишгани йўк. Шу жумладан Мирзаобод туманида ҳам. Ваҳолани, ечиними
топшиз лозим болган анча муммомлар бор. Қонун олдидан масъульлик хиссени ўтиш
учун ўшлар орасига кириб бориш, улар билан хукук-тарбияботнинг бошқа шаклларни
кулаш ҳам мумкин эди.

— Қонун олдидан масъульлик хиссига ёшларимиз орасидан етари эмас, деган
фирқа қанчалик ўзини оқлай олади?

— Барча ёшларга нисбатан бундай бахо бериши хотурғи бўларди. Лекин биз юксак
хукукий маданийтага асосланган давлат барпо этимокчи эканмиз, хозирги дарзага билан
кифоялдан колмаслигимиз керади. Колаверса, ёшлар орасидан қонунбўзилишларга
йўл қўйиш динамикасини кузатиб, шундай масъулиятни ўйтиш муммоси мавжуд
деб айтига оламан. Мана бир мисол. Мирзаобод туманида қўшини Қозигистон билан
чегарадар. Базъи жойларда иккита давлат ҳудудини биргина зөврӣ асроти туради,
холос. Ўтган йили пахта теримини мавсумидаги топширишни ўйтиш мурakkab
қонунларга келтиришни сийдиган жинончига яшришга кўзига олди. Айтингиз, агар уларда
қонунбўзилишларга, Ватага ҳурмат туйиси бўлгандаги бундай ҳолат юзага келармади?

— Қелинг, аниқ мисолларга ўта қолайлик...

— Ёшларимиз орасидан қонунбўзилишларга йўл қўйганларни санаб ўтиш мумкин.
Лекин уларнинг исм-фамилиясини, жинончини матбуот орқали кўрсатиб ўтиш, айнан
ўша ёшларнинг руҳиятига, бинобарин, хукукий оғигни салбий тасир кўрсатишни
ёдда тушиш керади. Яхшиси, ёшлар хукукий маданийтага бевосита тасир этган иккита
жинончи ўтихат ўтсан.

Улардан биринчига 1960 йили Гулистан туманида тугилган Абдували Яхшиликов
томонидан содир этилган. Абдували Мирзаобод туманида “Саховат” фермер ҳўжалиги
расимни бўлиб ишлаб келган. 2000 йил пахта теримини мавсумидаги топширишни
ишлаб келбонган. Ҳаммасидан ачинчалиси, ўшул пуллар Мирзаобод туманида қараш-
ли 27 соили ўта мактабини тасир этади. 2000 йил ортиқ топширишни тегишилди. Ана энди
ўзиниз хулоса чиқараверинг. Бугун меҳнатлари вазияти топширишни керади. Биринчига
деб ким қолафот беради? Улар адолат таймийнинг ўзага чиқишига юқоридагига
ўшашада воеқалардан кейин қанчалик ишониб юзага етадилар?

Иккичин мисол ҳам худди шунга ўтшаш. Шахсий фермер ҳўжалиги раҳбари
Нурмухаммад Қаршибов пахта теримини мавсумидаги топширишни кўмаклашши энг тўғри
тўғри. Улар олдидан очиқ суд мажлислининг ўтказиб, хукукий саводхонлигини оширишда
бевосита катнашилган тадбирларни ўнгига, қуорикор даражада ташкил этиш лозим. Терим
хозини ололмаган оиласидардан ёшлар оғигни бу ҳамдай акс этиди? Эҳтимол сабий-
дир. Лекин яна ўша “ишион” масаласи уларнинг хатти-ҳаракатидаги эш этиши аниқ.
Ҳаммасидан ачинчалиси ўзагар ҳакими “еб кетган” Нурмухаммад Қаршибовнинг
ҳам бу нафар фарзанди бор. Мана шундай вазиятда прокурор сифатида биз ўз хукукий
бахомизни бердик.

— Ёшларимиз хукукий маданийтаги кўтаришида яна қандай ишларни амал-
га ошириши керак деб ҳисоблайсиз?

— Энг биринчидан навбатда ёшлар орасидан аниқ амалга ошириладиган тадбирларни
кўтаришиз лозим. Уларнинг иккимизни муммомларини енишада кўмаклашши энг тўғри
тўғри. Улар олдидан очиқ суд мажлислининг ўтказиб, хукукий саводхонлигини оширишда
бевосита катнашилган тадбирларни ўнгига, қуорикор даражада ташкил этиш лозим. Энг мумкин,
яна кайтариб айтимади, турғи, ҳалол, қонунга бўйсунгандаги ҳолда яшашдан
бошқа йўл йўк эканлигини ҳам таълим-тарбияяди, ҳам амалий ўнрак бўлиб кўрсатиши-
лиз лозим.

Сұхбатдош А. МУСТАФОКОУЛОВ,
“Хукук” мухбири

ИСРОИЛ ИБРОХИМОВ

ХАВФЛИ КОЧОК

(қиссадан боблар)

(Охири. Бошланниши ўтган сонларда.)

— Пича қарз береб тур, — деди Хуршид сурлик билан, ўйинни давом этказаёттап ённадиги шеригидан.

— Бор-йўғимни тушдими, катдан бераман! — деди даврадагиларнинг қарийб барчасини шилиб олган шерик "камтарилик" килиб. У ютсамя, юткизасям "кўли келмаганидан" нолигани-нолиган эди. Кимборозининг чўнтағида пули була турниб "йўқ" дегани Хуршидининг нафсониятига қаттиқ ботди. "Фолбин фол очгандан бери ишим юришмайти", алам билан ўйлади у. "Бориб бир таъзирини берсаммикин?"

Хали қош қораймаган, одатда бундада кезларда ланг очик турдиган кўча эшиги қулф эди. "Наҳот кўч-кўронини кўтариб кетган бўлса!" Хуршидининг хәлигига дастлаб шу ўй келди. "Кетса-кетар, ўидагиларнинг кўзлари учуб тургани йўқдир, бариби олдиларига солиб олиб келиша-ди".

Хуршид чўнтағидан калитни олиб кўлға согланди, тушмади. "Адаштиридими", деса, ўша қалит. Бўғилиб, қалитни бурашга кучанаётганида дарвоза тарафдаги дераза очиди.

— Кирман деб овора бўманг, яшайверинг ўша билан!

Хуршид оғиз жуфтлашга улгурга, ҳужжатлари, майдо-чўйда шахсий буюмларни солинган сумкасанини Мунира кўчага улоқтириди-да, деразани шарақлатиб ёпиб олди. У бирданига бор-йўғидан айрилиб, кўчада колганига акли етди...

Энди Муниранинг ёёғига йикилиб, кечирим сўрашдан ўзга чораси йўқ эди. "Каллаварам, бефаросат-эй", деб сўкарди у ўзини ўзи. "Вакти келгандан даъво қиласаж хиссадорлардан мол-мұлқинни асарни ўйла-сану, хотининга ёб-кўлинингни боғлаб бераётганинга фаросатинг ет-мадби-да!"

Хуршидининг тўйиб-тўйиб ичгиси келди. "Самад" супермаркетидан бир шиша ароқ олиб, газагига колбаса, дудланган товуқ гўшти, бошча майдо-чўйдалар билан пакетни тўйдириди. Пакетни кўтиқлаш кўчага чиккач. Соня турдиган "Оқтепа" мавзесига юрувчи "маршрут такси"ни тўхтатиб, ўтириди...

Мунира юзига деразани қарслатилди ёлаёттган чогида ҳам Хуршидни юрагидан бутунлай ўчириб юбора олмаслигини билар, лекин бурнига сув кирмагунча, яқинига йўлатмоқчи эмас эди. Хуршид бўлса икки хафтадан бери корасини кўрсатмас, ҳатто телефон ҳам қилмасди. Мунира ёрига нима бўлганини билолмай аросатди эди.

Мунира тўсатдан Ҳалима фолбинни ёслади. Дардини эшитадиган, дардига малҳам бўладиган бирдан-бир ишончи одам ўша! Дардини эшитигина қолмай, ғойидан туриб, Хуршид акасини ҳалол йўлга солиб беради...

— Рост айтган экансиз... қўлида ишлайдиган биттаси билан ушлаб олдим... — Мунира пик-пик йиглар, рўмолча билан юз-кўзларини артари. Бахтиқарога ачиниш ўрнига Ҳалимининг кўзларида севинч учунлар, "каромати" рост чиққанидан пайдо бўлган мамнунлик хиссини яширишга уринмасди ҳам. Мунира эса фолбиннинг юзидаги ифодани ўзича "тагин бир тугуниннан енган одамнинг кўвончи"га йўйди.

— Болаларим «дада-дада»лаб эзиз юбориши. Бир йўлини килиб бухгалтердан советига берсангиз, — деб ёвводи Мунира. "Совутаман, совутаман-у, аммо сен учун эмас!" фолбин шаккок ўйини бахтиқаро эшитиб қоладигандай, ўз-ўзидан чўйиб тушди. "Мен ҳозир", деб ичкари хонага кирди. Ўн дакикалардан сўнг у бир шияпани кўтариб чиқди. Шляпа нима учундир Мунирага жуда таниш тудди.

— Мани бу шляпага яхшилаб дам солиб бераман. Бир бошига кийса бас, "гаҳ" дессангиз кўнладиган бўлиб қолади, — деган фолбиннинг кўнглидан бошча гап ўтди: "шундай қилияки, кайтиз юзиниам кўрмаган". У муздад юрганинг илтиян, ўз хотинига ишончини йўқотиб, шубҳаланиб юрган хўшсурат йигит киёфасини аллақандай бир соғини билан ёдидаги сакларди.

Ҳалима билбай турб, бир оиласи барбод қилаётганди. Агар Мунира маслаҳатига кўниб, эрининг бухгалтери билан юмдалашса, Хуршидинг хотинидан кўнгли қолиб, ажралышлари тезлашади. Кейин эса... Кейин Ҳалима унинг этагига маҳкам ёпишиб олиб, шахарга кўчиб кетади!

АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Афанди китоб ўқиётшиб шундай сатрларга кўзи тушди: "Кимнингки бўйи паст, соқоли узун бўлса, у лақма бўлади..."

Насрииддин афанди врачага му-роҳаат килипти:

— Кечиразис, доктор, менга биро доро ёзиб берсангиз. Хотиним озмоқчи.

Доктор:

— Обруч айлантирисин.

— Обруча симайди-да!

— Унда нима қиласди шундай коматни бузиди.


Қараса икки сифат ҳам, яъни бўйи пастик ва соқоли узунлик ўзида мухассам. Ўйлаб турниб деди:

— Бўйимиш чўзиш кўлимдан келмасдан, соқолимни қисқартириш кўлимдан келади.

Кайчи излаб тополмади ва ёниб турган шамга соқолини тутди.

Соқол буткул ёниб кетди. Ушбу "тажриба"дан сўнг у китоб хошиясига шундай сўзларни битиб кўйди: "Бу

КРОССВОРД



Энзиғ: 7. Ўрта Осиёдаги энг баланд топ. 8. Ойнинг арабча номи. 9. Аёлларнинг бош ёпинчиғи. 10. Дўппининг ўрта гардиши. 12. Хиндиистондаги дарё. 14. Электр ток кучинин ўчнов бирлиги. 15. Ҳам, таом, ҳам туман. 16. Денгиз маҳлуки. 18. Уловининг бир-бираға ёрдам воситаси. 20. Маргуриз, туйгуси. 23. Сурат ва ҳарофлар билан ифода этиладиган топлишмок. 24. Масҳарапаш учун айтилган пардали гап. 25. Қирғиз халқ эпоси. 26. Машҳур хинд актраси. 28. Давлат фойдасига йигиладиган маблаб. 30. Бирор нарсаға меҳр кўйиш, ишониш. 31. "Мехробдан чеён" асарининг қаҳрамони. 32. Фаламислик йўлида килинадиган ҳаракат. 34. Үн иккни буржинни бир. 36. Китоблар сақланадиган курилма. 39. Бехудий мухаррирлик қилган журнал. 40. Йирткич куш. 41. Сабр-бардош, чидам. 42. Жанубий Осиёдаги давлат. 43. Ҳадя, тухфа. 44. Россиядаги энг катта дарё.

Бўйига: 1. Уста ашулачи. 2. Италия шимолидаги шахар. 3. Она юрт. 4. Чуғурчуклар оиласига мансуб сайдроқи күш. 5. Бугда пишириладиган киймали таом. 6. Мусиқа жанрларидан бир. 11. Сайёхларнинг йўл кўрсаткичи. 12. Жуссаси кичик, ихчам. 13. Ҳушбўй гулли дараҳт. 14. Суратли эсадликлар тўлами. 17. Испания пун бирлиги. 18. Чигитдан олинидиган иккималчи хом-ашё. 19. Жамиятнинг олий табакасига оид киши. 20. Ҳодисадан ҳабардор бўлиш. 21. "Сангам" кинофильмидаги бош қаҳрамон исми. 22. Қадимий оғирлик ўчнов бирлиги. 27. Ажойиб, Кизик, ғалати. 28. Буюм сиртига берилган жило. 29. Таққослаш. 30. Турли мақсадлар учун курилган бинопар. 33. Севимли ўзбек адабиаридан бир. 34. Ҳушбўй хид. 35. Савдо-сотик қилинадиган жой. 36. Тогдаң оқиб тушаётганди кичкина ирмок. 37. Чорасиз, ноилож. 38. Шимолдаги қалин ўрмон зонаси.

Тузувчи: Н. ЛУТФУЛЛАЕВА



МУҲАББАТ КУДРАТИ

САХОВАТЛИ ЭР

Британиялик миллионер жоноб ўз рафиқасининг түғилган кунига ажойиб совға тайёрлади. Соғва ҳам унча-мунча эмас, нақд ... сув ости кемасининг ўзи эканлиги кўлчиликни ажаблантириши аниқ. Аммо бу хакикат.

Рафиқасини жондан ортиқ севган бу саховатеша эр бунинг учун 20 миллион долларни аямади. Саёҳатда мўлжалланган "Сизтл-1000" номли ушбу сув ости кемасининг узунлиги 57 метрни ташкил этиб, у 300 метр чукурликка тушиб, сув остида 40 кун мобайнида бўлиши мумкин.

Ҳа, муҳаббатнинг кудрати олдида миллионлар ҳеч гап эмас.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси Сирдарё вилояти Янгиер шахар прокурорининг катта ёрдамчиси

Мансур ШАКАРОВНИНГ

бевакт вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари, яқинларига чукур ҳамдардлия билдиради.

Кутловлар

Хурматли дўстимиз

Бахтиёр Самулов!

Түғилган кунингиз кўтуп бўлсин! Неки ораз-истакларнинг бўлса, барчаси амала ошсин. Сизга мустаҳкам соглик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз.

Ҳамкасларнинг.

Республика прокуратураси

Қадрдан акамиз Туламат Мусамедов!

Сизни 15 февраль — түғилган кунингиз билан чин қалдан табриклиймиз. Сизга узок умр, чоғлиқ, ишларнингизга ривож тилаймиз.

Алимовлар оиласи.

Тошкент шахри

Хурматли кенойилларим Раъноҳон ва Дилоромхон Мусамедовлар!

Сизларни 16 февраль — түғилган кунларнинг билан самимиз кўтлайман. Сизларни сиҳат-саломатлик, оиласи тутувлик тилайман. Ҳамиша хонадонимизнинг гўзлеклари билан кечирилган ҳамдадиган ҳаромони. Гулбахор, Тошкент шахри

ТРАНСФЕР

Бўл, бўл,

ФУТБОЛЧИ Бўл

Кора терга ботиб, тўп тепиб, ота-сидан "футбол сенга нон-ош берадим?" кабилида койиш эшитмаган бола бўймаса керак. Дунёнинг ишларини кўрингки, бугун футболнилар чон олувчиликлар сиражига киради. Ҳизимизникиларни билмадигу, (бизда футболнилар канча ойлик олиши тоғат сирканади) Фигу, Зидан, Шевченко кабилар шу ўйин түфайли миллионер бўлгандилар.

Ўтган ҳафтанинг сеншанга, чоршанга кунларни ФИФА, УЕФА, футболн клублари, касаба уюшмалари вакиллари йигилишиб, футболнилар трансфери тизимини ислоҳ килиш масаласини мухосама қисаларда, бир карорга келомладилар.

Трансфер — футболнинг муйян ҳақ эвазига бир клубдан бошқасига ўтишидир. Футболнини сотайтган клуб кимматрокка сотини истаса, олувчи аэропорқ олишини холдайди. Футболнинг ўзини ҳам кўшсак, жараёнда уч томонинг манфаатлари тўқнаш келади.

Хуласа, мухосама ҳали давом этади. Шу кунларда эса Ўзбекистонда трансфер бирор охирлаб, клублар бир оидан сўнг бошланадиган 10-чемпионатга қизғин тайёргарлик кўрмоядилар.